

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

## Ҳ У К М

2020 йилнинг 19 кун, жипири бўйича Тошкент Тошкент туман суди 1-сон тергов хибсхонаси биносида, очик сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи: М.Мирраҳимов,  
судья ёрдамчиси Н.Тождарнинг баённома юритувида,  
тарафлардан Тошкент туман суди прокурорининг ёрдамчиси О.Абдурасулов,  
“Маҳкам-Нимоа” адвокатлик фирмаси адвокати Б.Норматов судланувчи  
[Redacted] лар иштирокида,

[Redacted], Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати уйғур, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, ҳарбий хизматга мажбур эмас, 25.12.2006 йил куни ЖИБ Олмазор тумани суди томонидан ЎР ЖК 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан амнистия актига асосан жавобгарликдан озод қилинган;

28.01.2009 йил куни ЖИБ Тошкент тумани суди томонидан Ўз.Р ЖК 164-моддаси 4-қисми “а” банди билан Ў.Р. ЖКнинг 58-моддаси тартибида, 9 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, ЖИБ Бўстонлик туман судининг 24.02.2012 й.ги ажрими билан Ў.Р.ЖКнинг 74-м.асосан ўталмаган 5 йил 11 ой 4 кун ОМЖ жазоси шу муддатга АТИ жазосига алмаштирилган, ЖИБ Олмазор туман судининг 9.02.2015 й.ги ажримига асосан ўталмай қолган 2 йил 11 ой 29 куни АТИ жазосидан ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган, бўйдоқ, [Redacted]

[Redacted] яшайди, Ўз.Р ЖПК 221-моддаси тартибида 13.02.2020 йилда ушланиб, ЖИБ Тошкент туман судининг 13.02.2020 й.ги ажримига кўра қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 04.03.2020 йилда олган [Redacted]

[Redacted] ни,  
Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан;

[Redacted], Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, ҳарбий хизматга мажбур эмас, муқаддам судланмаган, бўйдоқ, [Redacted]

[Redacted] яшайди, Ўз.Рес ЖПК 221-моддаси тартибида 13.02.2020 йилда ушланиб, ЖИБ Тошкент туман судининг 13.02.2020 йилги ажримига кўра қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси

Ҳужжат имзоланган: Мирраҳимов Мирали Махмутжонович, 19.05.2020



нужасини 04.03.2020 йилда олган

ни,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисмининг “В” банди билан айбланиш ҳақидаги [REDACTED] № 1-1122-2001/53) жиноят ишини куриб чиқиб, судланувчилар ва тубоқларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, да [REDACTED] айбловчиси ва адвокатнинг музокара нутқларини, судланувчиларнинг музокара ва охириги сўзларини эшитиб, куйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] ўғирлик, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган жиноятни куйидаги ҳолатларда содир қилган.

Жумладан, [REDACTED] билан олдиндан тил бириктириб, 2020 йил 23 январь куни соат 02-00да Тошкент тумани, [REDACTED] га девордан ошиб ўтиш йўли билан ғайриқонуний равишда кириб, ушбу хонадондан [REDACTED] га тегишли бўлган жами нархи 20.000.000 (йигирма миллион) сўмлик буюмларни яширин равишда қўлга киритиб, воқеа жойидан яширинган.

Судланувчи [REDACTED] ўғирлик, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган жиноятни куйидаги ҳолатларда содир қилган.

Жумладан, [REDACTED] билан олдиндан тил бириктириб, 2020 йил 23 январь куни соат 02-00да Тошкент тумани, [REDACTED] га девордан ошиб ўтиш йўли билан ғайриқонуний равишда кириб, ушбу хонадондан [REDACTED] га тегишли жами нархи 20.000.000 (йигирма миллион) сўмлик буюмларни яширин равишда қўлга киритиб, воқеа жойидан яширинган.

Жиноят иши бўйича олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида А.Малаевнинг хонадонидан ўғирланган буюмлар [REDACTED] лардан ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштирилиб олинган.

Судда судланувчи тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] айбига тўлиқ иқдор бўлиб, А.Малаев 2019 йилнинг 19 январь куни уни, [REDACTED] ни дала-ховлисига, яъни Тошкент тумани, [REDACTED]



███ га таклиф қилганлиги, у А.Малаевнинг дала-ховлисига борган вақтида у ерда ҳеч ким турмаслиги, лекин уй жихозлари борлиги ва бошқа буюмлари кўпчилигини кўрганлиги, 22.01.2020 йил Миракмал билан тўйхонада ўтириб тахминан 2 литр спиртли ичимлик истеъмол қилинганлиги, суҳбат давомида у Миракмалга А.Малаевнинг уйида кўп буюм ва нарсалар борлигини айтиб ўғирлик қилишни таклиф қилганлиги, Миракмал кўрпачи ётганлиги ва рози бўлмаганлиги, у Миракмалга “кўркма бирон нарсаси бўлса мен ҳаммасини бўйнимга оламан” деганлиги, шундан кейин рози бўлганлиги, Олмазор туманида жойлашган “Жоми” бозорига бориб у ерда Газель русумли автомобиль топиб хайдовчисига бошқа уйга кўчаётгани, шу сабабдан уйдаги жихозларни бир уйдан бошқа уйга олиб бориб беришларини илтимос қилганлиги, Газель хайдовчиси рози бўлганлиги, иш ҳақини 350.000 сўмга келишиб хайдовчининг телефон рақамини олганлиги, Миракмал билан учрашиб олиб унга “Газель” гаплашиб кўйгани, А.Малаевнинг уйдан ўғирлик қилишларини айтганлиги, 2020 йилнинг 22 январь куни кечки вақт тун тушганда А.Малаевнинг уйига боришганлиги, кўчада ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб Миракмал уни девордан ошиб тушиши учун кўтариб юборганлиги, у девордан ичкарига ошиб тушганлиги, ичкари эшикнинг целофанларини йиртиб очганлиги, Миракмал билан бирга уйдаги жихозларни Газелга ортишни бошлашганлиги, А.Малаевнинг уйдан бир дона LG-49 диаганалли телевизор, бир дона стол, тўққиз дона стул, бир дона телевизор подставкаси, бир дона компьютер процессори, бир дона клавиатура, оқ кофта кийим-кечаклар, бир набор қошиқ вилка, бир дона DVD, бир дона аёллар GUCCI кроссовкаси, бир дона эркаклар туфлиси, бир дона эркаклар кроссовкаси, бир дона кўрпа, бир дона “PHILIPS” номли соқол оладиган аппарат, ўн етти дона аёллар ва эркаклар соати, бир дона коробкада аёллар тақинчоғи (бижутерия), уч дона болалар ўйинчоғи, бир дона “SINGER” русумли тикув машинаси, тўрт дона оқ рангли бамбук ёстиғи, икки дона туя ёстиғи, бир дона оқ рангли ёстик, бир дона оқ рангли покрывал (спальный), бир дона пар кўрпа, бир комплект сарпалар тўплами, уч дона коробкада оқ рангли сочиқлар, икки коробка дастурхон, бир дона “SONY PSP” видео приставка, бир коробка “EMSSAN” кострюля учтали набор, бир дона хўл мева вазаси (богема), икки дона қандолат вазаси (конфетница), олти дона курук мева вазаси (чақ-чук), бир коробка идиш набори ўн икки кишилик стол сервиси, бир дона “LG” кир ювиш машинаси, уч дона кўрпа (бир кишилик), бир дона оқ рангли одеял (тошлари бор), бир дона костюм-шим, бир комплект ювиниш халати (баня комплекти), бир дона “LACOSTE” номли соат (стальной ранг), бир дона “RADO” соати (қора рангли), икки дона аёллар оёқ кийими (туфли қора ранг) ва бошқа буюмларни яширин равишда олиб чиқишганлиги, Газель хайдовчисига “Кадышева”га қараб хайдашини айтганлиги, йўлда Алишер исмли танишига уйдаги жихозларни бир кунга бирон бир жойга қўйиб туриши зарурлигини илтимос қилганлиги, Алишер рози бўлганлиги, шу сабаб ўғирланган буюмларни унинг уйига олиб бориб қўйишганлиги, 23.01.2020 йил таниши ████████нинг олдида



Янгиобод бозорига борганлиги, унга бир-иккита буюмлари сотилаётганини айтиб сотиб олишни таклиф қилганлиги, Санжар буюмларни кўриши кераклигини айтганлиги, Санжар ва унинг таниши Сардор у билан Алишернинг уйига борганлиги, у ерда бир дона LG-49 диаганалли телевизор, бир дона “LG” кир ювиш машинаси 6 кг мўлжалланган ва бир дона “SINGER” русумли тикув машинасини уларга кўрсатганлиги, Санжар бир дона LG-49 диаганалли телевизор учун 1.500.000 сўм, бир дона “LG” кир ювиш машинаси 6 кг мўлжалланган 950.000 ва бир дона “SINGER” русумли тикув машинасини 450.000 сўм талаганлиги ва бошқа пул бермаслигини айтганлиги, у айтган пулга рози бўлиб буюмларни унга сотиб юборганлиги, [REDACTED] ундан харид қилган буюмларни шу куннинг ўзида олиб чиқиб кетганлиги, 24.01.2020 йил куни А.Малаев унга қўнғирок қилиб тезда Тошкент тумани ИИБга етиб келишини, уни ўғирликда гумон қилишаётганини айтганлиги, у қаршилик қилмасдан [REDACTED] билан бирга Тошкент тумани ИИБга келганлиги, у билан ИИБ ходимлари суҳбатлашишганлиги ва у бўлган ҳолатни ҳақиқатдан ҳам маст ҳолда содир қилганини айтиб берганлиги, А.Малаевнинг уйдан ўғирланган буюмларни қайтариб бериш мақсадида Санжарга қўнғирок қилганлиги, ундан харид қилган буюмларни зудлик билан Тошкент тумани ИИБга олиб келишини айтганлиги, Санжар кир ювиш машинасидан ташқари бошқа буюмларни олиб келганлиги, кир ювиш машинасини сотиб юборган эканлиги, 23.01.2020 йил куни ўғирланган қолган буюмларни ва етказган зарарни А.Малаевга тўлиқ қоплаб беришганлиги, ўғирлик фикри ундан чиққанлиги, у ушбу ўғирликни [REDACTED] билан биргаликда қилганлигини айбига иқрорлиги, пушаймонлиги, юқумли касалликка чалинганлигини, ёлғиз ўғил фарзанд эканлигини инобатга олиб, озодликдан махрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради.

Судда судланувчи тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] айбига тўлиқ иқрор бўлиб [REDACTED] маҳалладоши эканлиги, [REDACTED] орқали [REDACTED] билан танишганлиги, улар билан ўзаро учрашиб гаплашиб туришлиги, Ақром 2020 йилнинг 19 январь куни уни ва Фурқат ҳамда Абдулазизларни дала-ховлисига таклиф қилганлиги, улар Ақромнинг дала-ховлисига, яъни Тошкент тумани, [REDACTED] га боришганлиги, у ерда дам олиб телевизор кўриб ўтиришганлиги, 2020 йилнинг 22 январь куни Фурқат билан кўришганлиги ва спиртли ичимлик ичганлиги, суҳбат давомида Фурқат унга Ақромнинг дала-ховлисидан ўғирлик қилишни таклиф қилганлиги, у рози бўлмаганлиги, Фурқат унга “қўркма, бирон бир гап бўлса мен ҳаммасини бўйнимга оламан” деб ишонтирганлиги, у маст ҳолда бўлганлиги сабабли унинг таклифига рози бўлганлиги, шундан сўнг Фурқат Олмазор туманида жойлашган “Жоми” бозорига бориб у ерда Газель русумли автомобилни гаплашиб келгани ва унга 50.000 сум келишилган пулдан аванс бериб қўйганини ҳамда телефон рақамини олганини айтганлиги, 2020 йилнинг 22 январь куни кечки вақт тун тушганда Ақромнинг дала-ховлисига, яъни



Тошкент тумани, [REDACTED]  
[REDACTED] га боришганлиги, у Фурқатни девордан ошириб юборганлиги, у ичкарига кириб дарвозани ва дўқни очганлиги, шундан сўнг иккаласи уйдаги жиҳозларни Газель автомобилига ортишни бошлашганлиги, Акроннинг (Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark) бир дона LG-49 диаганалли телевизор, бир дона стол, тўққиз дона стул, бир дона телевизор подставкаси, бир дона компьютер процессори, бир дона клавиатура, оқ кофта кийим-кечаклар, бир набор қошиқ-вилка, бир дона DVD, [REDACTED] аёллар GUCCI кроссовкаси, бир дона эркеклар туфлиси, бир дона эркеклар кроссовкаси, бир дона кўрпа, бир дона "PHILIPS" номли соқол оладиган аппарат, ўн етти дона аёллар ва эркеклар соати, бир дона коробкада аёллар тақинчоғи (бижутерия), уч дона болалар ўйинчоғи (резинадан ясалган эшак, кўғирчоқ, самолёт), бир дона "SINGER" русумли тикув машинаси, тўрт дона оқ рангли бамбук ёстиғи, икки дона туя ёстиғи, бир дона оқ рангли ёстик, бир дона оқ рангли покрывал (спальный), бир дона пар кўрпа, бир комплект сарпалар тўплами (куёв сарпа), уч дона коробкада оқ рангли сочиқлар, икки коробка дастурхон, бир дона "SONY PSP" видео приставка, бир коробка "EMSSAN" кострюля (учтали набор), бир бир дона хўл мева вазаси (богема), икки дона кандолат вазаси (конфетница), олти дона куруқ мева вазаси (чақ-чук), бир коробка идиш набори ўн икки кишилик стол сервиси, бир дона "LG" кир ювиш машинаси, уч дона кўрпа (бир кишилик), бир дона оқ рангли одеял (тошлари бор), бир дона костюм-шим, бир комплект ювиниш халати (банный комплект), бир дона "LACOSTE" номли соат (стальной ранг), бир дона "RADO" соати (қора рангли), икки дона аёллар оёқ кийими (туфли қора ранг) ва бошқа буюмларни олиб чиқиб кетишганлиги, Фурқат таниши Алишернинг уйига буюмларни олиб бориб, ўша ерга туширишини айтганлиги, у Алишерни танимаслиги, буюмларни тушириб бўлгач Фурқат Газель русумли автомобилнинг хайдовчисига келишилган қолган пулларни берганлиги, Фурқат Янгиобод бозорига бориб келишини айтиб кетганлиги, бироз вақт ўтгач Фурқат ва унинг таниши Урумбаев Санжар ва Сардор исмли болалар келишганлиги, Фурқат уларга бир дона LG-49 диаганалли телевизор, бир дона "LG" кир ювиш машинаси 6 кг мўлжалланган ва бир дона "SINGER" русумли тикув машинасини кўрсатганлиги, Санжар кўрсатилган буюмларни бир дона LG-49 диаганалли телевизор учун 1.500.000 сўм, бир дона "LG" кир ювиш машинаси 6 кг мўлжалланган 950.000 ва бир дона "SINGER" русумли тикув машинасини 450.000 сўмга баҳолаганлиги, бошқа пул бермаслигини айтганлиги, Фурқат шу нархга рози бўлиб ва ундан пулни олганлиги, Санжар харид қилган буюмларни шу куннинг ўзида олиб кетганлиги, ўша куннинг ўзида уларга А.Малаев кўнғироқ қилиб уни ва Фурқатни ўғирликда гумон қилишаётганини айтиб Тошкент тумани ИИБга етиб келишларини айтганлиги, улар Тошкент тумани ИИБга келишганлиги, ходимлар улар билан суҳбат ўтказганида бор ҳақиқатни айтиб беришганлиги, Фурқат таниши Санжарга кўнғироқ қилиб харид қилган буюмларни ИИБга олиб келишини илтимос қилганлиги, [REDACTED] кир ювиш машинасидан ташқари бошқа нарсаларни олиб келганлиги, шунингдек улар



А.Малаевнинг уйдан ўғирланган буюмларни қайтариб беришганлиги ва унга етказган зарарни қоплаб беришганлиги, жиноятни содир этишни унга [REDACTED] таклиф берганлиги, қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, келгусида бу ҳолат бошқа такрорланмаслигига ваъда беришгани, айбига иқролиги, пушаймонлиги, оилвсида ягона боқувчилигини инобатга олиб озодлиқдан махрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўрагани.

Дастлабки тергов давр [REDACTED] брланувчи тариқасида сўроқ қилинган

[REDACTED] Тошкент тумани, [REDACTED] онаси [REDACTED] га тегишли эканлиги, ҳозирги кунда ушбу уйда ҳеч ким истиқомат қилиб келмаслиги, тадбиркорлик билан шуғулланганлиги сабабли чет элда, яъни Туркия Давлатида кўпроқ вақтини ўтказиб у ерда вақтинча истиқомат қилиб келиши, [REDACTED] ва [REDACTED]

[REDACTED] лар билан 2016 йилнинг охирларида танишиб қолганлиги, 20.01.2020 йил кечки вақт 20:00 ларда унга таниши [REDACTED] кўнғироқ қилиб бўш бўлса бирга ўтиришни таклиф қилганлиги, у унинг таклифига рози бўлганлиги, Тошкент тумани, [REDACTED]

[REDACTED] га, яъни унинг дала-ховлисига бориб ўтиришни келишганлиги, Абдулазиз ўзининг бошқарувида бўлган Матиз русумли автомобилда ёнида [REDACTED]

[REDACTED] лар билан биргаликда кечки вақт 20:30ларда келганлиги, улар 4 нафар бўлиб унинг дала-ховлисига боришганлиги, дала-ховлида бир-икки соатча базм қилиб ўтиришганлиги, кейинчалик ҳаммалари уйларига тарқалиб кетишганлиги, 22.01.2020 йил у ўз ишлари билан Уч-Қахрамон постига келиб у ерда ишларини битириб таниши [REDACTED] га кўнғироқ қилиб бўш бўлса, уни Уч-Қахрамон постидан олиб кетишини илтимос қилганлиги, А.Тухтаев ўзининг бошқарувида бўлган Матиз русумли автомобилда ёнида [REDACTED]

[REDACTED] лар билан биргаликда кечки вақт 20:00ларда келганлиги, у Тошкент аэрапортига Туркия Давлатидан бериб юборган почтани олиши керак бўлганлиги сабабли аэрапортга боришганлиги, аэрапортда у почтани олиб турмуш ўртоғи ва фарзандлари қайнонасининг уйда бўлганлиги сабабли уларнинг уйига обориб қўйишини илтимос қилганлиги, уни айтган манзилга олиб бориб қўйишганлиги, 23.01.2020 йил унга Тошкент туманидаги дала-ховлисидаги қўшниси бўлган Мурод исмли таниши кўнғироқ қилиб унинг дарвозаси очиқлигини айтиб уни уйдасиз деб сўраганлиги, у дала-ховлида эмаслигини айтиб уйга кириб текшириб кўришини ҳамда ойнадан кўриладиган телевизор жойида эканми деб сўраб айтишини илтимос қилганлиги, қўшниси Мурод уйга кириб эшиклар бузилгани ва у айтган телевизор жойида йўқлигини айтганлиги, у шу захоти қайнонаси [REDACTED] билан биргаликда дала-ховлига йўлга чиқиб, 02га хабар берганлиги, уйга етиб келганида уйда ўғирлик бўлгани ва анча нарса йўқлигини кўрганлиги, қайнонаси [REDACTED] нинг уйда тахминан 2019 йилнинг октябрь ойларида таъмирлаш ишлари бошланганлиги



сабабли, у уйидаги бор мол-мулкани вақтинча уларнинг дала-ховлисига олиб келганлиги ва вақти-вақти билан у ерда истиқомат қилиб туришлиги, шунингдек турмуш ўртоғи билан вақтинча истиқомат қилиш мақсадида чет элга, яъни Канадага кетаётганлиги учун қайнонаси қилиб берган сарпосини онасига қайтариб берганлиги, шунингдек у тадбиркорлик билан шуғулланганлиги сабабли сотувга қўймоқчи бўлган буюмлари ҳам дала-ховлида туришлиги, у ва қайнонаси дала-ховлига кириб бўлгач туман ИИБ ходимлари ҳам етиб келишганлиги, шундан нима буюмлар ўғирланганлигини сўрашганлиги, у саксон сўмлик мол-мулкларини ўғирлаб кетишганини айтганлиги, яъни бир дона LG-49 диаганалли телевизор, бир дона стол, тўққиз дона стул, бир дона телевизор подставкаси, бир дона компьютер процессори, бир дона клавиатура, ок кофта кийим кечаклар, бир набор қошиқ-вилка, бир дона DVD, бир дона аёллар “GUCCI” кроссовкаси, бир дона эркаклар туфлиси, бир дона эркаклар кроссовкаси, бир дона кўрпа, бир дона “PHILIPS” номли соқол оладиган аппарат, ўн етти дона аёллар ва эркаклар соати, бир дона коробкада аёллар тақинчоғи (бижутерия), уч дона болалар уйинчоғи (резинадан ясалган эшак, кўғирчоқ, самолёт), бир дона “SINGER” русумли тикув машинаси, тўрт дона оқ рангли бамбук ёстиғи, икки дона туя ёстиғи, бир дона оқ рангли ёстиқ, бир дона оқ рангли покрывал (спальный), бир дона пар кўрпа, бир комплект сарпалар тўплами (куёв сарпа), уч дона коробкада оқ рангли сочиқлар, икки коробка дастурхон, бир дона “SONY PSP” видео приставка, бир коробка “EMSSAN” кострюля (учтали набор), бир дона хўл мева вазаси (богема), икки дона қандолат вазаси (конфетница), олти дона қуруқ мева вазаси (чақ-чук), бир коробка идиш набори (12 кишилик столовый сервиз), бир дона “LG” кир ювиш машинаси, уч дона кўрпа (бир кишилик), бир дона оқ рангли одеял (тошлари бор), бир дона костюм-шим, бир комплект ювиниш халати (банний комплект), бир дона “LACOSTE” номли соат (стальной ранг), бир дона “RADO” соати (қора рангли), икки дона аёллар оёқ кийими (туфли қора ранг) ва бошқа буюмлар борлигини айтиб туман ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб ўз аризасида ўғирланган буюмларнинг бир қисмини кўрсатиб ўтиб номаълум шахсларга нисбатан қонуний чора кўришини сўраганлиги, туман ИИБ ходимлари унинг аризасига кўра тезкор қидирув ишларини олиб бориб 23 январь куни дала-ховлида бўлган ўғирликни унинг танишлари [REDACTED] ва [REDACTED] лар содир этгани маълум бўлганлиги, ҳозирги кунда [REDACTED] ва [REDACTED] унга етказган зарарни тўлиқ қоплаб беришганлиги, етказилган зарар бартараф қилинганлиги сабабли ҳеч кимдан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берган.

Судга жабрланувчи [REDACTED] ариза тақдим қилиб, судда қатнаша олмаслиги, дастлаб ўғирланган мол-мулкларнинг қийматини саксон миллион сўм деб ёзганлиги, бироқ дастлабки тергов даврида ўғирланган мол-мулкларнинг қиймати йигирма миллион деб айтганлиги, лекин дастлабки тергов даврида унинг йигирма миллионлик товарлар деган аризаси инобатга олинмаганлиги, “Gamma Valuation” МЧЖ томонидан



ўғирланган мол-мулкларнинг қийматини ўн саккиз миллион тўққиз минг бир юз қирқ сўм деб баҳоланганлигига эътирози йўқлиги, келтирилган зарар миқдорини саксон миллион сўмдан эмас, балки йигирма миллион сўм деб ҳисоблашни, йигирма миллион сўмлик буюмларга даъвоси йўқлиги, ўғирланган буюмларнинг барчасини тулик олганлиги, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлиги, уларга нисбатан енгиллик беришни сўраб ариза тақдим қилган.

Дастлабки тергов давр PDF бўланувчи тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] куёви эканлиги, уйда таъмирлаш ишларини 2019 йилнинг октябрь ойларида бошлаганлиги сабабли уйдаги бор нарсаларини, шунингдек сотувга қўядиган буюмларни куёвининг Тошкент тумани, [REDACTED]

[REDACTED] га вақтинча олиб бориб қўйишганлиги, дала ховлида вақтинча ҳеч ким истиқомат қилмаслиги, ушбу хонадонга бўш вақти бўлган пайти келиб уйни текшириб кетишлиги, 23 январь 2020 йил эрталаб куёви Ақром унга қўнғироқ қилиб дала-ховлига қачон борганлигини сўраганлиги, 22 январь 2020 йил соат тахминан 17:30 ларда дала-ховлига борганлиги, ҳамма эшикларни ўзи кулфлаб келганини айтганлиги, куёви Ақром унга қўшнисини қўнғироқ қилиб уйнинг дарвозаси очик ҳолда эканлиги ва дала-ховлига биронтаси кирганга ўхшашини айтганлиги, у ва куёви [REDACTED] дала-ховлига қараб йўлга чиқишганлиги, Ақром йулда кетаётиб 02га хабар берганлиги, у дала-ховлига етиб келган вақтида катта дарвоза очик ҳолдалиги, уйга кириш эшиги тахтадан бўлганлиги сабабли уни бирон бир ўткир нарса билан бузганлиги ва эшикни бузиб номаълум одам уйга кирганлиги қўриниб турганлиги, у ва куёви милиция ходимларини келишини кутиб ичкарига кирмасдан ташқарида ховлида бироз кутиб туришганлиги, ИИБ ходимлари етиб келгач улар билан биргаликда уйга киришганлиги, уйни ва буюмларини кўздан кечирганида бир дона LG-49 диаганалли телевизор, бир дона стол, тўққиз) дона стул, бир дона телевизор подставкаси, бир дона компьютер процессори, бир дона клавиатура, ок кофта кийим-кечаклар, бир набор қошиқ-вилка, бир дона DVD, бир дона аёллар GUCCI кроссовкаси, бир дона эркаклар туфлиси, бир дона эркаклар кроссовкаси, бир дона кўрпа, бир дона “PHILIPS” номли соқол оладиган аппарат, ўн етти дона аёллар ва эркаклар соати, бир дона коробкада аёллар тақинчоғи (бижутерия), уч дона болалар ўйинчоғи (резинадан ясалган эшак, қўғирчоқ, самолёт), бир дона “SINGER” русумли тикув машинаси, тўрт дона оқ рангли бамбук ёстиғи, икки дона туя ёстиғи, бир дона оқ рангли ёстиқ, бир дона оқ рангли покрывал (спальный), бир дона пар кўрпа, бир комплект сарпалар тўплами (куёв сарпа), уч дона коробкада оқ рангли сочиқлар, икки коробка дастурхон, бир дона “SONY PSP” видео приставка, бир коробка “EMSSAN” кострюля (учтали набор), бир бир дона хўл мева вазаси (богема), икки дона кандолат вазаси (конфетница), олти дона қуруқ мева вазаси (чақ-чук), бир коробка идиш набори (12 кишилик столовый сервиз), бир дона “LG” кир ювиш машинаси, уч дона кўрпа (бир кишилик), бир дона оқ рангли одеял (тошлари бор), бир дона костюм-шим, бир комплект ювиниш халати



(банний комплект), бир дона “LACOSTE” номли соат (стальной ранг), бир дона “RADO” соат (қора рангли), икки дона аёллар оёқ кийими (туфли қора ранг) ва бошқа буюмлар ўғирланганлигини билганлиги, қизига қилган янги сарполарни дала-ҳовлига олиб бориб қуйганлиги, улар ҳам ўғирланганлигини уйга кириб буюмларини кўздан кечириганида билганлиги, ушбу ҳолат юзасидан куёви Ақром туман ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилганлиги, 3-4 кун ўтгач дала-ҳовлида ўғирликни куёвининг танишлари [REDACTED] лар содир қилганлиги маълум бўлганлиги, унга ва куёвига етказилган зарарни ҳисоблаб чиққанида тахминан 80.000.000 сўм чиққанлиги, ҳозирги кунда [REDACTED] лар унга етказган зарарни қоплаб беришмаганлиги ҳақида кўрсатув берган.

Судга жабрланувчи [REDACTED] ариза тақдим қилиб, судда қатнаша олмаслиги, “Gamma Valuation” МЧЖ томонидан ўғирланган мол-мулкларнинг қийматини ўн саккиз миллион тўққиз минг бир юз қирк сўм деб баҳоланганлигига эътирози йўқлиги, келтирилган зарар миқдорини саксон миллион сўмдан эмас, балки йигирма миллион сўм деб ҳисоблашни, йигирма миллион сўмлик буюмларга даъвоси йўқлиги, ўғирланган буюмларнинг барчасини тўлиқ олганлиги, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлиги, уларга нисбатан енгиллик беришни сўраб ариза тақдим қилган.

Судланувчи Ф.Рузиев ва М.Мирсодиқовларнинг айби унинг айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари жиноят иши юзасидан тўпланган ҳужжатлар, жумладан,

ИИБ ходимининг билдиргиси (и.в. 2);

ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва илова фотожадвал (и.в. 3-29);

ашёвий далилни олиб қўйиш ва кўздан кечириш баённомаси (и.в. 41-42,45);

Ф.Рузиев ва М.Мирсодиқовларни айбланувчи тариқасида сўроқ қилиш баённомаси ҳамда мазкур жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланади.

Суд, юқорида келтирилган далиллар, уларни тўплаш билан боғлиқ процессуал қоида ва тартибларга риоя қилинган ҳолда олинганлиги учун мақбул далиллар деб эътироф этиб, улар ҳақиқатга мувофиқ бўлганлиги сабабли ишончли ҳамда судланувчиларнинг жиноий ҳаракатларини баҳолашда етарли деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] томонидан ўғирлик, яъни ўзганинг жуда кўп миқдордаги мол-мулкни уй-жойга, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб талон-торож қилишда ифодаланган жиноятини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан қўйидаги асосларга кўра нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Дастлабки тергов даврида А.Маллаев томонидан ёзилган аризада ўғирланган мол-мулкларнинг қиймати саксон миллион сўм деб қайд этган. (и.в. 32).

Дастлабки тергов даврида жабрланувчи А.Маллаев илтимоснома тақдим қилиб, ўғирланган нарсаларни янги нарх бўйича тахмин ҳисоблаган ҳолда 80 млн сўм деб айтиб хато қилганлиги, ўғирланган барча нарсалар илгари ишлатилган ва фойдаланиш бўлиб, уларни нархини ўзича чамалаб ҳисоблаб айтган эканлиги, бундан ташқари янги нарх бўйича ҳам ҳисоблаган тақдирда ҳам уларнинг 80 млон сўмга етмаслиги, бозордан суриштирганида ва ўзи қайта ҳисоб-китоб қилганида 20 млн. сўмга етмаслигини билганлиги, шунинг учун ўғирланган нарсаларни тегишли тартибда баҳолангунига қадар 20 млн. сўм деб ҳисобга олинишини, барча нарсаларни бут ҳолда судланувчилардан қайтариб олганлигини баён қилган (и.в. 62).

“Gamma Valuation” МЧЖнинг 17.02.2020 й.ги Рег.№02-001ТМБ рақамли ҳисоботида А.Маллаевга тегишли бўлган 18 номдаги товар-моддий бойликларнинг 17.02.2020 й.га қиймати 18.009.140 сўмни ташкил қилишлиги белгиланган.

Суд, судда сўралган судланувчилар томонидан “Gamma Valuation” МЧЖнинг 17.02.2020 й.ги Рег.№02-001ТМБ рақамли ҳисоботини асос сифатида олишни сўраганликлари, жабрланувчи А.Маллаев ва Н.Азизоваларнинг аризаларида “Gamma Valuation” МЧЖнинг 17.02.2020 й.ги Рег.№02-001ТМБ рақамли ҳисоботида ҳеч қандай эътирозлари йўқлиги сабабли, ҳисоботни ҳукм чиқаришда инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 23-моддасининг 3-қисмида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги қайд этилган.

Суд юқорида қайд этилган қонун нормаси талабидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди, яъни

ўғирлик, яъни ўзганинг жуда кўп миқдордаги мол-мулкни уй-жойга, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатларини,

ўғирлик, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб, ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатига, яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандларига қайта квалификация қилишни лозим деб ҳисоблайди.



Суд, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан судланувчи Ф.Рузиевнинг айбига тўлиқ иқдор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топади, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасига асосан у илгари ҳам қасддан жиноят содир этиб, қасддан янги жиноят содир этишини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари деб топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан судланувчи М.Мирсодиқовнинг айбига тўлиқ иқдор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топади, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасига асосан айбини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ф.Рузиевга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори, жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги;

қарорнинг 3–бандида, Жиноят Кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисидаги тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандларида кўрсатилган жазо тури ва миқдорини муҳокама қилиб, айбига тўлиқ иқдорлигини, пушаймонлигини, Олмазор туман Тиббиёт бирлашмаси оилавий Поликлиника томонидан берилган 18.02.2020 йилдаги “Сурункали Вирусный гепатит “С” Сурункали холецистит” ташхиси билан касалланганлиги, юқумли касалхонада даволанишга мухтожлиги ҳақида”ги 34/103/2-сонли хулосани, зарар мавжуд эмаслигини инобатга олган ҳолда уни озодликдан маҳрум қилмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган хулосага келиб, унга нисбатан озодликни чеклаш жазосини тайинлашни,

Суд, судланувчи М.Мирсодиқовга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори, жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги;

қарорнинг 3–бандида, Жиноят Кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисидаги тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-



кисмининг “в,г” бандларида кўрсатилган жазо тури ва миқдорини муҳокама қилиб, айбига тўлиқ иқдорлигини, пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, зарар маъмул эмаслигини инобатга олган ҳолда уни озодликдан маҳрум қилмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган хулосага келиб, унга нисбатан озодликни чеклаш жазосини тайинлашни,

судланувчиларга нисбатан тайинланган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилишни ва уларни суд мажлиси залида қамоқдан озод қилишни;

зарар қопланганлигини қоплашга олишни;

ашёвий далил тариқасида олинган 1 дона теша ва 1 дона ёғоч бўлаги йўқ қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларни инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462-463, 465-468 ва 471-473-моддаларига асосан суд

## Х У К М Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари билан айбли деб топилсин.

га Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари билан сутканинг соат 21.00дан 07.00га қадар бўлган вақт мобайнида яшаш жойидан чиқишни чеклаган ҳолда 4 (тўрт) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 62-моддасига асосан нинг 2020 йил 13 февралдан 2020 йил 19 майга қадар дастлабки қамоқда бўлган 96 (тўқсон олти) кунини тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун 3 (уч) йил 8 (саккиз) ой 25 (йигирма беш) кун қолдирилсин.

га нисбатан озодликни чеклаш жазосини ўташ унинг яшаш жойи – Тошкент шаҳри, да яшайди белгилансин.

нинг зиммасига:

-яшаш жойидан чиқиши чекланган вақтда кўнгил очар жойлар (кафе, бар, ресторан, тунги клуб таваккалчиликка асосланган бошқа ўйингоҳлар)га бормаслик;

- спиртли ичимлик истеъмол қилмаслик;

- жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар билан алоқада бўлмаслик;

- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз, яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Тошкент шаҳри, Олмазор туман ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча чеклашлар юклансин.

га нисбатан тайинланган жазо жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.



\_\_\_\_\_га нисбатан тайинланган жазо жазони ижро эттириш ҳамда ижросини назорат қилиш доимий яшаш жойидаги ИИБнинг шу каби жазоларни ижро этиш инспекцияси зиммасига юклатилсин.

\_\_\_\_\_га агар у жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йулига қарбий ўтган бўлса, суд унга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкин.

\_\_\_\_\_га озодликни чеклаш тартибидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

\_\_\_\_\_га нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва дарҳол суд мажлиси залида қамокдан озод қилинсин.

\_\_\_\_\_га Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари билан айбли деб топилсин.

\_\_\_\_\_га Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари билан сутканинг соат 21.00дан 07.00га қадар бўлган вақт мобайнида яшаш жойидан чиқишни чеклаган ҳолда 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 62-моддасига асосан \_\_\_\_\_нинг 2020 йил 13 февралдан 2020 йил 19 майга қадар дастлабки қамокда бўлган 96 (тўқсон олти) кунини тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун 2 (икки) йил 8 (саккиз) ой 25 (йигирма беш) кун қолдирилсин.

\_\_\_\_\_га нисбатан озодликни чеклаш жазосини ўташ унинг яшаш жойи – Тошкент шаҳри, \_\_\_\_\_ белгилансин.

\_\_\_\_\_нинг зиммасига:

- яшаш жойидан чиқиши чекланган вақтда кўнгил очар жойлар (кафе, бар, ресторан, тунги клуб таваккалчиликка асосланган бошқа ўйингоҳлар)га бормаслик;
- спиртли ичимлик истеъмол қилмаслик;
- жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар билан алоқада бўлмаслик;
- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз, яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Тошкент вилояти, Олмазор туман ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча чеклашлар юклансин.

\_\_\_\_\_га нисбатан тайинланган жазо жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

\_\_\_\_\_га нисбатан тайинланган жазо жазони ижро эттириш ҳамда ижросини назорат қилиш доимий яшаш



жойидаги ИИБнинг шу каби жазоларни ижро этиш инспекцияси зиммасига юклатилсин.

██████████ га агар у жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд унга нисбатан илғари тайинланган таъқиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги;

озодликни чеклаш тартибдаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суднинг қараридан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган бўлганда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

██████████ га нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва дарҳол суд мажлиси залида қамоқдан озод қилинсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган 1 дона теша ва 1 дона ёғоч бўлаги йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тараф ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчилар ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди кассация инстанциясига шикоят ёки протест билдиришлари мумкин.

**Раислик қилувчи:** (имзо)

**М.Миррахимов**

**Ҳукм нусхаси аслига тўғри:**

